

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2020 йил – Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни
ривожлантириш йили

ИЛМ-ФАН ВА ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИЯГА ТАЯНГАН СОҲАНИНГ ИСТИҚБОЛИ ЁРУФ

Тошкент вилояти ҳокими Рустам Холматов Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиклари, олимлари ва тадқиқотчи ёшлар билан учрашди.



Очiq мулоқот, самимий суҳбат, ўзаро фикр алмашиш руҳида ўтган мазкур учрашувда вилоятимизда ташкил этилиб, бугунги кунда фаол иш оид бораётган мева-сабзавотчиликка ихтисослашган агрокластерлар раҳбарлари, туман ҳокимлари ҳам қатнашди. Фанлар Академияси тасарруфидаги Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси инсти-

тути лаборатория мудри Бахтиёр Расулов бир неча йиллардан буён қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга мўлжалланган лойиҳа устида иш олиб бормоқда. У яратган ишланма айна пайтда қишлоқ хўжалигида фаол қўлланилмоқда. Мулоқот давомида Бахтиёр Расулов Тошкент вилояти ҳокимига ўзи ихтиро қилган қишлоқ хўжалиги учун ишланмаларини худудда жорий этиш таклифини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2020 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз миллий юксалиш ва миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган ҳозирги вақтда барча эзгу қадрият ва аъёналаримиз қатори Наврўз байрамининг ҳам ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Айниқса, ушбу қадимий байрамнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган яшариш ва янгилашни, яхшилик ва бағрикентлик, табиати асраб-авайлаб, доимо у билан уйғун бўлиб яшаш каби ўлмас гоёлар бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг асосий мақсади ва маъно-мазмунига гоёт Ҳамоҳанг эканини таъкидлаш лозим.

Халқимиз асрлар давомида катта шоду хуррамлик билан нишонлаб келаётган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан халқро байрам сифатида белгиланган Наврўзи оламнинг ана шундай беқиёс аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда бу айёмни янги Ўзбекистоннинг демократик қиёфаси, обрў-эътибори ва нуфузига ҳар томонлама муносиб тарзда ўтказиш мақсадида:

1. 2020 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Наврўз байрамидан Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, шунингдек, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори савияда нишонлаш бўйича "Наврўз – янги кун, янги давронинг муборак, жонажон Ўзбекистони!" деган бош гоёни ўзда мужассам этган Наврўз умумхалқ байрамидан ўтказиш концепцияси ва ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Мазкур концепция ва дастури тайёрлашда барча тadbирларни том маънода умумхалқ сайли ва шодибон сифатида ўтказиш, уларда кенг халқ оммасининг фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадида қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин: Наврўз кунларида инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, она заминга меҳр ва эътибор аққол ўз ифодасини топишини кўрсатиб берадиган, атроф-муҳитни, унинг неъматларини асраб-авайлаш, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват этадиган маънавий-маърифий тadbирларни уюштириш;

сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислохотлар, халқимизнинг ҳаёти, қадри ва онгида юз бераётган ижобий ўзгаришларни Наврўзнинг азалий қадрият ва аъёналарига Ҳамоҳанг тарзда, таъсирчан усулларда ифода этиш; барча шаҳар ва қишлоқларда ташкил этиладиган байрам тadbирларида, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамидан тарихи, ҳар бир худуд аҳолиси ўртасида уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат ва аъёналарнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш; халқимизга хос бўлган меҳр-муруват, аҳиллик ва ҳамжихатлик фазилатлари асосида нуруний кексаларни ҳар томонлама эъзозлаш, қўмакка муҳтож инсонларга бегарас ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тadbирларини амалга ошириш;

юртимизда миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишларнинг амалий натижалари, Ўзбекистон фуқароси бўлган турли миллат ва элат вакилла-

рининг Наврўзни нишонлашга оид урф-одатлари, аъёна ва қадриятларини кенг намойиш этиш;

ободлик ва фаровонлик рамзи бўлиши Наврўз байрами арафасида шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда умумхалқ ҳашарлари, кенг қамровли ободчилик ва қўламазорлаштириш ишларини ташкил этиш;

тadbирлар бўлиб ўтадиган жойларда хунармандчилик кўргазмалари, китоб расталари, кўчма савдо дўконлари, қўлама таомларини тайёрлаш ва уларнинг савдосини ташкил қилиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) бир ҳафта муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи Наврўз умумхалқ сайилларини ўтказиш бўйича чора-тadbирлар дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Наврўз умумхалқ сайиллари ўтказиладиган асосий майдонлар, хибдонлар ва кўчаларни белгилаш, уларни миллий услубда байрамона безатиш ҳамда сахналарни ўрнатиш;

жойларда бўлиб ўтадиган умумхалқ сайилларида маҳаллий фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, цирк санъати вакиллари, оилавий ансамбллар, бахшилар, шoirлар, шунингдек, профессионал ижроичилар ва истеъдодли эстрада артистларини кенг жалб этиш;

байрам тadbирлари доирасида ҳар бир худудга хос бўлган халқ уйғунлари, томошалар, кўргазмалар ва мусобақаларни ўтказиш, баҳорий таомлар сотиладиган очiq ошхоналарни жойлаштириш;

б) байрам дастурларини ва оммавий томошаларни тайёрлашда, кўчалар, хибдонлар ва майдонларни безатишда катта маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ижодкорлар, композитор ва бастакорлар, балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш ижроичилар, фольклор санъати вакилларида иборат иқидий гуруҳларни кенг жалб этиш;

в) Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда Наврўз умумхалқ сайилларига хорижий ва маҳаллий туристларнинг ташрифини ташкил этиш мақсадида кенг тарғибот ва тайёргарлик ишларини амалга оширсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тadbирлари:

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қўпланди.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Дунё" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишларни атрофича ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 3 март

Ҳафтамиз тасвири қисқа сатрларда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Хитой делегациясини қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасалари талабаларига ўқув йили давомида тенг улушларда камида тўрт мартаба ўқиш учун тўловларни амалга ошириш имконияти тақдим этилишини таъминлаши маълум қилинди.

Ўзбекистонда корона-вирус кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича ҳаракатлар тартиби тасдиқланди.

ЗУЛФИЯНИНГ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Баҳор байрамлари эшик қоқиб турибди. Унинг ташрифи ўзбекининг улуғ шоираси Зулфияxonим таваллуди ила бошланди. Ҳадемай юртимизнинг энг фаол ва истеъдодли қизларига Зулфия мукофоти топширилади.

Зулфия номидаги давлат мукофоти, Қулоққа ўта жарангдор эшитилади. Баъзи опа-сингилларимиз унинг фақат мана шу жарангдор номи учунгина ҳаракат қилса, аксарият қисми чиндан ўз номзодининг лойиқлигига ишонади. Бу ишбун ва ҳаракат тўқнашган жойда юрт ва шахс манфаатлари ҳам юзлашиши бор гап. Аслида, ҳақиқий етух қадрларга ҳеч қандай мукофотнинг кераги йўқ, улар шусиз ҳам халққа беминнат хизмат кўрсатавер-

ради, деган гапларни кўп эшитамиз. Булса бордир, бироқ унда мукофотлар нега таъсис этилган? Фақат обрўпарастлар учунми? Асло! Мукофот қилаётганинг биламиз, кўриб турибмиз ва сенга ишонамиз, дея ўша фаол қизларга берилган далдадир.



3

"Пешонангдан ўпай десам,

пешонанг йўқ..."

ёхуд қизғалдоқ
сайлига таклифнома

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилган маҳали «Мактабгача таълим энди халқ таълими оталиғидаги соҳа(ча) эма-а-ас...» дея суюнганлар кўп эди. Афсуски, улар мамлакатда бу борада инқилобий ўзгаришлар амалга оширилаётган чоғда ҳам айрим жойларда соҳа ҳамон эски ҳаммом, эски тос ҳолида қолишини ҳисобга олмаганлар. Йўқса,



мамлакат худудидаги қайсидир қишлоқнинг қаровсиз боғчаси эмас, вилоят марказининг

Бола боғчага бориши керак! Охиригидил фикр – шу! Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Боғчага борган ва бормаган бола ўртасидаги тафовутни, албатта, Президент тушунириб бериши шарт эмас. Шундай экан, мутасаддилар мактабгача таълим соҳасига муносабатни батамом ўзгартиришлари лозим.



марказий кўчасида жойлашган мактабгача таълим ташкилотининг аҳоли бундай абгор



ҳолга тушмасди. Ҳа, гап Нурафшон шаҳри, «Чигирик» маҳалласи, «Тошкент йўли» кўчаси, 21-уй манзилида жойлашган Нурафшон шаҳар мактабгача таълим бўлими тасарруфидagi 11-сонли давлат мактабгача таълим муассасаси ҳақида бораепти.

Боғчанинг кўча юзидаги девори бунча баланд урилган бўлмаса, деб хайлга қўманг. Баланд девор ортидаги хароба боғча кўринмасин, деган ниҳайда шундай қилинган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Бундан салкам 70 йил муқаддам қурилган ушбу муассаса замонасининг энг олди боғчаларидан эди.

3

ИЛМ-ФАН ВА ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИЯГА ТАЯНГАН СОҲАНИНГ

ИСТИҚБОЛИ ЁРУҒ



Бахтиёр РАСУЛОВ,
ЎЗР ФА тадқиқотчиси:

— Кишлоқ хўжалиги касалликларига қарши қўлланилаётган агрохимикатлар меъёрларига амал қилмаслик, потоген микроорганизмлар табиатини тўлиқ ўрганмай туриб, уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш хато. Яъни ўсимликнинг табиатини билмасдан туриб, турли кимёвий воситаларни қўллаётган ўсимликларда стресс ҳолатларини келтириб чиқаради. Бу эса, ўз навбатида, ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади, натижада кутилган ҳосил олинмайди.

қўрилишини билдирди.

— Кишлоқ хўжалиги соҳаси бугун олимларнинг маслаҳати ва янги ишланмаларига ниҳоятда муҳтож. — деди Рустам Холматов. — Муҳтарам Президентимиз олдимизга ҳар бир ишни олимлар билан кенгашиб, чуқур таҳлил қилиб, сўнгра амалга ошириш вазифасини қўйганлар.

Вилоятимизда таъминоти билан ташкил этилган мева-сабзавотчилик кластерлари жаҳон бозори учун рақобатдор, экологик табиатга эришаркан, амалиётга жорий этиш талабларга жавоб берадиган маҳсулот етиштириши аниқ.

Вилоятимизда ташкил этилган мева-сабзавотчилик кластерлари жаҳон бозори учун рақобатдор, экологик талабларга жавоб берадиган маҳсулот етиштириши аниқ пайтда ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамиятга эгадир.

Бугунги мулоқот давомида билдирилган барча тақлиф ва мулоҳазалар яқин келажақда вилоятимиз мисолида ўз самарасини бериши учун ҳаракат қиламиз.

Анжуманда Фанлар Академияси Президенти, академик Бехзод Йўлдошев кейинги йилларда мамлакатимизда

илмий жамоатчилик ва ижро ҳоқимияти ўртасида фаол мулоқотлар, амалий учрашувлар ташкил этиб борилаётгани фан-техника соҳасида эришилган ютуқларни ҳаётга тадбиқ этишда муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Тадбир давомида ЎЗР ФА олимлари томонидан яратилган илмий ишланмалар кўргазмаси ташкил этилди. Шунингдек,

Ядро физикаси институти томонидан олиб бориладиган тадқиқотлар билан яқиндан таништириш мақсадида, радиопрепаратлар, тиббиётда қўлланиладиган маҳсулотларга радиоактивий ишлов бериш марказига экскурсия уюштирилди.

Эксперсия давомида Ядро физикаси институти директори Илхом Содиқов Марказ фаолияти ҳақида гапирар экан, ушбу Марказ республикамизнинг стерилланган тиббиёт ва фармацевтика маҳсулотлари бўлган аҳтиёжини тўлиқ қамраб олишини таъкидлади.

МАЪРИФАТГА ЙЎЛ

БўКА тумани "Хўжақўрғон" маҳалласи ҳудудидаги 27-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида Юртбошимиз илгари сурган беш ташаббус бўйича ибратли ишлар амалга оширилмоқда.



— Мактабимизда 670 ўқувчи 60 нафар педагог дарс беради, — дейди мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Фахриддин Умаров. — Аинқиса, ўқувчилар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида йўлга қўйилган ишлар тахсинга сазовор. Каттагина китоб фондига эга мактаб кутубхонаси, шунингдек, «Китобсеварлар» ва

«Ёш қаламкашлар» тўғрисидаги ҳақиқатларни ўқувчилар билан гапираркан.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат



ОҚҚўРҒОН туманидаги "ZIYO" ўқув марказида бешта муҳим ташаббус йўналишлари бўйича ташкил этилган "Аёллар тадбиркорлиги" курсларини тамомлаган хотин-қизларга сертификатлар берилди.

— Марказимизни ҳамширалик, тикувчилик, сартарошлик йўналишлари бўйича тамомлаган аёллар фаоллик кўрсатишмоқда, — дейди "Аёллар тадбир-

корлиги" маркази раҳбари Санобар Маркаримова. — Ҳозирда марказимизни тамомлаган 89 нафар хотин-қиз иш фаолиятини бошлаб юборишган.

Ёш олим, шунингдек, ўзи меҳнат қилаётган институтида бу йўналишда қатор лойиҳалар амалга оширилганини, хусусан, фитопотоген микроорганизмларни аниқлаш, уларнинг тарқалиш ҳудудини ўрганиш, уларга қарши табиий кушандалар орқали курашиш биотехнологиялари мавжудлигини, уларни амалиётга жорий этиш мумкинлигини билдирди.

Ядро физикаси институти етакчи олими Аҳор Қорражаев Тошкент вилоятинан ички ҳудудларга, пойтахтга етказиб берилаётган ичимлик сувини кимё соҳасидаги энг сўнгги илмий ишланмалардан фойдаланган ҳолда, мунтазам равишда тозалаб бериш юзасида ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдирди. Олимнинг айтишича, аниқ пайтда Чирчиқ дарёсининг юқори ўзанидан пойтахт вилояти ва пойтахтга етказиб берилаётган тоза ичимлик сувининг сифати жиддий назоратга, фаннинг аралашувига муҳтож.

Учрашувда кўтарилган масалалар юзасидан вилоят ҳокими муносабат билдирар экан,

(Давоми. Бошланғич 1-саҳифада)

Мавзуга доир

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳамда вилоят ҳокимининг 2019 йил 20 декабрдаги тегишли қарорига кўра, Қибрай, Тошкент, Зангиота, Янгийўл, Бўстонлиқ, Юқори Чирчиқ, Паркент ва Оҳангарон туманларида 24 та ихтисослашган кластер ташкил этилди. Уларга 2020 йил ҳосили учун 15 минг 630 гектар ер майдонлари ажратилган. Бириктирилган фермер хўжалиқлари ихтиёрига жами 15 минг 630

гектар ер майдони, шундан, 4 минг 255 гектар боғ, 733 гектар ток, 3 минг 337 гектар сабзавот, 350 гектар полиз, 232 гектар картошка, 288 гектар дуккакли ва 134 гектар бошқа турдаги экин майдонлари берилди. Шунингдек, бириктирилган маъжуд боғ ва тоқзорларни боқичма-боқич янгилаб бориш дастури ишлаб чиқилиб, шундан 2020 йилда 1 минг 932 гектар, 2021 йилда 884 гектар, 2022 йилда 1 минг 81 гектар замонавий интенсив боғ ва тоқзорлар барпо этиш режалаштирилди. Мева-сабзавотчилик кластерлари томонидан 2020 йилда 255 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари

тайёрлаш режалаштирилган. Прогнозларга кўра, пойтахт вилояти 2020 йилда 50 миллион АҚШ долларидан зиёдроқ миқдордаги маҳсулотни хорижга экспорт қилиши кутуляпти. Шунингдек, ички бозорга 85 минг тонна, қайта ишлашга 78 минг тонна, захирага 48 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари йўналтирилади. Мавжуд 24 та мева-сабзавотчилик кластерлари томонидан маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш бўйича 2020 йилда 12 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Ушбу мақсадларга жами 201 миллиард 100 миллион сўм маблағ йўналтирилади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати

КУШЕРБАЕВ ЯНА САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Чиноз туманида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Қушербаев билан "Ачамойли" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирда аҳоли ўзини қийнаётган бир қанча муаммолар ва уларнинг ечими ҳусусида депутатга мурожаат қилишди. Жумладан, фуқаролар пенсия

билан таъминланиш жараёнида адолатсизликка учраётгани, ижтимоий хавфи юқори бўлган айрим қондабузарликларга нисбатан жарима турларини

2020 йил 1 март куни Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига 14-«Бекобод» сайлов округи бўйича бўшаб қолган ўринга сайлов бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига тўла мувофиқ равишда бўлиб ўтган сайловда 22 минг 411 нафар сайловчи ёки рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 65 фоизи қатнашди.

2020 йил 1 март куни бўлиб ўтган сайлов якунлари ҳақидаги 14-«Бекобод» округ

Юзма-юз

пайстириш, шунингдек, туман ёшларининг ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланиш жараёнида юзага келаётган муаммолар бўйича берган саволларига атрофлича жавоб олишди.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

14-«Бекобод» сайлов округи номажиса асосан Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 20 ва 97-моддаларига мувофиқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи Тошкент вилоят сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига Тошкент вилояти сайлов комиссияси раиси **Ж. НАСРИДДИНОВ** Нурафшон шаҳри, 2020 йил 1 март

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи Тошкент вилоят сайлов комиссиясининг 2020 йил 1 мартдаги 33-сонли қарорига ИЛОВА

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига 14-«Бекобод» сайлов округидан сайланган депутат

Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Партияга мансублиги	Эгаллаб турган лавозими	Доимий яшаш жойи	Номзод кўрсатган органнинг номи
14-«Бекобод» сайлов округидан сайланган депутат					
Саидов Тохир Тўланбаевич	1981 йил	ЎзЛиДеП	«Юксалиш» умуммиллий ҳаракатининг Тошкент вилоятидаги ҳудудий бўлинмаси раҳбари	Тошкент вилояти, Зангиота тумани	ЎзЛиДеП

ОҲАНГАРОН туманида эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлди.



Йиғилишда Ангрен ва Оҳангарон шаҳарлари ҳамда Оҳангарон туманидаги экспорт мажбуриятини бажармаган корхоналарнинг фаолияти танқидий таҳлил қилинди. Шунингдек, маъмурий кенгаш йиғилишида тадбиркорликни ривожлантиришдаги тўсиқларни бартараф этиш, ер майдонидан унумли фойдаланиётган корхоналарнинг ерларини давлат захирасига қайтариш, инвестицион мажбуриятларни назоратга олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Сўнги маълумотларга кўра, вилоятимизда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ёқаси, кишлоқ хўжалиги ерлари, ихота вазифасидаги дарахтзорлар, экин майдонлари четлари, ижтимоий соҳа объектлари ва ташкилотлар ҳудудларида, хиёбонлар, марказий кўчаларга жорий йилда салкам ўн олти миллионга яқин манзарали, мевали ва бутта ниҳолларини экиш кўзда тутилган бўлиб, аниқ вақтга қадар 3 млн.дан ортиқ ниҳоллар она замин бағрига тўб қўйди. Яна 500 мингта тут, 100 минг дон заранг, 120 мингта акация, 200 мингта терак, 6 миллионга яқин мевали ва 7 миллион донадан ортиқ қаламча усулида кўкартириладиган дов-дарахтлар экилиши жадвал давом этмоқда.

"Обод кишлоқ", "Обод маҳалла" давлат дастурига кирган кишлоқ ва маҳаллаларга эса маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 14 минг 300 донна мевали ва манзарали кўчатлар экилади. Жараён билан яқиндан танишиш мақсадида Бўка туманида бўлди. — Туманимизда тўққиз юз мингдан зиёд мевали ва манзарали дарахтлар экилиши режалаштирилган, — дейди туман ҳокимлиги етакчи мутахассиси Ғайрат Душабоев. — Аҳоли ўртасида томорқадан унумли фойдаланиш доира-

Вилоят бўйлаб

ПИСКЕНТ туманидаги "Рақамли технологиялар" ўқув марказида хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жамятда фаолигини ошириш, касб-хунарга жалб қилиш ва бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ўқув курсларида компьютер



Кўклам нафаси

Ҳар ниҳолда Қайём Қўклатми

сида мевали дарахтларни кўпроқ экиш юзасидан қўламли тарғибот олиб бораёямиз. Шунингдек, туманнинг айрим шўрланган ёки шунга мойиллиги бўлган сугориладиган ерларида кўктерак, қортол, жийда кўчатлари ва қаламчалари, қайрағоч, заранг, шумтол, тут, наъматак каби дарахт ва буталарни экиш тавсия қилинаптир. Шу кунгача, қирқ бир мингга яқин кўчатлар экилди. Аниқ дамда туманнинг "Рамадон", "Ўзбек", "Навобод", "Ибрат", "Хўжақўрғон", "Қорақўйли", "Ачамойли", "Даштобод", "Самарқанд", "Чавлисой" каби маҳаллалари аҳолиси кўкаламзорлаштириш ишларида ҳошқамлик қилишга эришган экан. — Экилган ҳар бир ниҳолга парвариш зарур, — дейди "Даштобод" маҳалласида истиқомат қилувчи тажрибали томорқачи Муртоз Раҳмонов. — Сув танқислиги юзага келаётган бир вақтда зараркундалар кўпаймоқда. Кўпчиликка тегишли бир камчилик борки, баҳорда "ура-ура" қилиб кўчат экишга, кейин ўз ҳолига ташлаб қўямиз. Ай, бу кўчатлар! Шунча йиллар мобайнида экилган ниҳоллар яхши парвариш қилинганда тўрт тарафимиз жаннат бўлиб кетмасмиди?! Келинлар, энди биз ҳам ўзгарайлик. Экилган ҳар бир кўчатга парвона бўлайлик, оби-тобида парваришлайлик. Ана шунда меҳнатларимиз самарасидан аввало, ўзимиз, оиламиз, қолаверса, бутун жамят манфаатдор бўлади.

Нигора ЎРОЛОВА

ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ МАДАНИЯТИ

**УНИ КИМ
ҚАНДАЙ
ТУШУНАДИ?**

Долзарб мавзу

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг маълумотларига қўра, сўнгги йилларда аҳоли ўртасида юрак қон-томир, организмда моддалар алмашинувининг бузилиши, ошқозон-ичак, асаб тизими, суяк, бўғим, мушак ва онкологик касалликларга чалиниш хавфи ортиб бормоқда. Бунга соғлом турмуш тарзининг энг оддий қоидаларига риоя қилмаслик, хусусан, нотўғри овқатланиш, таомланиш маданияти ва одобига зид турли зарарли одатларга ўрганиш кабилар сабаб бўлмоқда. Энг ёмони, бу ҳолат миллат генофондининг бузилишигача бўлган оғир ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Соғлом турмуш тарзи тушунчаси кенг маънони англатиб, жисмоний фаоллик, спорт билан шугулланиш, рационал овқатланиш, шунингдек, зарарли одатлар: яъни гиёҳвандлик, тамаки (носвой) чекиш, спиртли ичимликлар истеъмолига қарши кураш каби тадбирларни қамраб олади. Хусусан, инсон организмга таъсир этувчи кўплаб омиллар ичида овқатланиш, айниқса, ўз вақтида ва меъёрида, зарур бўлганда эса парҳезбop таомлар истеъмоли қилиш етакчи аҳамиятга эга эканини ёдда тутиш лозим. Овқатланиш тиббий нуқтаи назардан ёш, тана тузилиши, иқлим, мабодо касаллик бўлса, унинг тури ва даврдан келиб чиқиб хасталикнинг олдини олиш учун турли хил тартиб ва таркибда тавсия этилади.

Дунёдаги етакчи илмий марказларда олиб борилган қузатувлар шунини кўрсатмоқдаки, кам ҳаракатланиш, юқори сифатли ун маҳсулотлари ва ҳайвон ёғидан тайёрланган таомлар ҳамда ширинликларни меъёридан ортиқ тановул қилиш юрак қон-томир, семизлик, қонда холестерин миқдорининг ошиши, қон босимининг кўтарилиши, миокард инфаркти, бош мияга қон қуйилиши, қандли диабетга мойиллик туғилишининг асосий сабаблари ҳисобланади.



Ушбу касалликлар эса меҳнат фаолияти сусайиши, ҳаёт сифатининг ёмонлашиши, ҳатто ўлим ҳолатларига олиб келиши мумкин. Ёғли ва углеводга бой таомларни меъёридан ортиқ истеъмоли қилиш танада оқсил ва моддалар алмашинувидаги мувозанатнинг бузилишига зомин яратди. Шунингдек, сабзавот ва мевалар, кальцийга бой сут маҳсулотларини етарлича истеъмоли

қилмаслик натижасида витаминлар, макро ва микроэлементлар етишмаслиги юзга келади. Тиббиёт отаси Гиппократ ҳам бежизга: "Истеъмоли қилаётган таомингиз дори

вазифасини ўтасин, дорининг таомдан иборат бўлсин", деб таъкидлаган. Лекин, XXI асрга келиб, илм-фаннинг мисли қўрилмаган даражада ривожланиши натижасида одамларнинг

Шукри, йил ўн икки ой дастурхонидан мева-сабзавот ва турли кўкатлар аримай диган заминда яшаймиз. Бизнинг вазифамиз – ёшимиз, касбимиз, йил фасли ва соғлигимиз ҳолатидан келиб чиқиб рационал овқатланиш ва жисмоний ҳаракатдан тўхтамаслик. Зеро, инсоннинг узоқ умр кўриши ва соғлом ҳаёт кечириши ўз қўлида.

турмуш фаровонлиги тобора ошиб бориши, асосий хизматлар техника зиммасига юклатилиши аҳоли орасида юқорида санаб ўтилган касалликларнинг келиб чиқиш эҳтимолини тобора кўпайтирмоқда.

Мутахассис фикри

Манзура МУРОДОВА,
вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош диетологи:

— Инсон тўлақонли ва соғлом ҳаёт кечириши учун ёшга мос равишда овқатланиши керак. Чунки овқат, инсон организмни мўтадил даражада ушлаб турувчи манба (ёқилги) ҳисобланади. Шу сабабли, бу манбадан кўр-кўрона эмас, балки онгли ва илмий асосланган ҳолда фойдаланишимиз керак. Бу борада ота-оналар фарзандларига ўрнак бўлишлари лозим. Қолаверса, боғча ва мактабларда ҳам овқатланиш маданиятига алоҳида эътибор қаратиш болаларни бу борада ҳам тўғри тарбиялаш талаб этилади.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Зулфия мукофоти соҳибларининг бугунги фаолияти хусусида кўп гапирилган. Негадир, биз у ҳақда гап бошлаганда фақат ва фақат шоирларнинггина эътирофи бўлади. Ваҳоланки, мукофот бадий ижоддан ташқари яна спорт, илм-фан, хунармандчилик ва

бўлсачи? Агар Зулфиянинг тирик бўлиб, бундай ҳолнинг устидан чиқиб қолса, нима қиларди? Бутун умрини ҳалолликка, поқдомонликка, аёллик шаънини ҳимоя қилишга бағишлаган шоирамиз яна қайтадан жон бермасмиди? Мен бу саволларга жавоб беришдан қўрқман. Даҳшат ичида қолган идроким ҳужра-

Зулфиянинг ҳақиқатлари



бошқа кўплаб соҳаларда жавлон ураётган қизларга ҳам тақдим қилинади. Мен ҳали мана шу мукофотни олган спортчи опа-сингилларим орасида спортдан атай кетганларни, ё бошқа бир ишнинг этагидан туганларни учратмадим. Улар ҳамон янада кўпроқ куч-ғайрат билан меҳнат қилаётир. Мукофотни топшириш вақтидаги холисликка нисбатан турли қарашлар мавжуд. Ҳатто, айнан "Зулфия олиб бераман" дея қизларни алоҳида тайёрлайдиган кимсалар ҳам борлиги тахмин қилинади. Бунга-ку ишонмаймиз, аммо рост

ларини умид шамлари ила мунаввар айлаб, меҳнатлари муносиб тақдирланган қизларга кўз ташлайман. Гулжамол Асқарова, Меҳриноз Аббосова каби бугун халқ билан елкама-елка меҳнат қилаётган шоирларнинг фаолияти, уларнинг фидойчилигини кўриб, беихтиёр Зулфия издошлари ҳамон ўз йўлида шаҳдам бораётир, деб қўяман ичимда. Мукофот тақдимидаги яқин қолди. Бу йил вилоятимизнинг энг фаол қизлари унга ўз номзодларини қўйишган. Уларга омад тилаб, Мавлоно Румийнинг шу сўзларини тақрорлайман:

*"Агар жонни изласанг, жонсан,
агар қонни изласанг, қонсан,
Агар нонни изласанг, нонсан,
сен нени изласанг, ушанинг ўзисан."*
Ният қиламиз, бу йилги мукофотга сазоворлар ҳам Зулфия изидан бориб, шоирамиз шеърларидаги улугвор поқдомонликка мушарраф бўлсинлар.
Муҳаммад СИДДИҚ
/ Тошкент ҳақиқати /

Пири бадавлатларимиз ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАН ОНАХОН



Оққўрғон туманилик Сайдан ая Туратова бир аср юзини кўриб, юз билан юзлашди. Уларнинг уруш йилларида тўғри келган машаққатли ёшлик даврлари ҳақидаги хотираларини тингласак, бугунги тинч, фаровон турмушимизга шукроналар айтаемиз.

Сайдан ая турмуш ўртоғи билан 52 йил бахтли ҳаёт кечириб, фарзандлари Қайнар, Ҳасан-Хусан, Қумри ва Фотималарни воёга етказишди. Онахон турмуш ўртоғи оламдан ўтгандан кейин 41 йилдан бери маҳалламиз-

нинг маслаҳаттўғи бўлиб келмоқда. Ҳозирги кунда онахон 38 неварга, 21 чевара ва 3 нафар фарзанднинг ардоқли бубижониси. Ҳаммамиз бу оиллага ҳавас қиламиз.
Пардабой ЭРГАШЕВ
Оққўрғон тумани

“Пешонангдан ўпай десам, пешонанг йўқ...”

“Муҳташам” девор ортидаги 11-мактабга таълим ташкилоти асосий икки бинодан иборат. Ошхона ва омборхона алоҳида том остида. — Шу ерда 1990 йилдан бери ишлайман, — дейди 11-МТТ хўжалик ишлари мудири Заҳро Темирова. — Ростини айтишга мажбурман: 30 йил мобайнида боғчада на қурилиш, на таъмирлаш бўлган. Энг охири таъмирдаям кўча тарафдаги деворга тўрт қатор гишт терилиб, омборхона ямалган, холос. Берилаётган 20 банка бўёқ ҳовузани бўягани ҳам етмайди. Иложсиз енгил таъмирни ўз елкамизга олганмиз. Ёзги айвонларниқу бирига устун тирасак, бири ағанайман, деб кишини хавотирга солади...

Дарвоқе, аслида 11-МТТ 90 ўринга мўлжалланган. Қурилишлар, «Тошкент йўли» кўчаси бўйидаги мактабга таълим ташкилотлари биноларининг бузилиши болаларни боғчага қамраб олиш эҳтиёжини орттирмоқда. Шу ваддан ҳам бугун 11-МТТда 113 нафар бола тарбияланаётган. Бутун бошли «Янгиҳаёт» қўрғонда 3 донга мактабга таълим ташкилоти бўлганидан кейин боғчага бўлган талабнинг ҳисобини опаверинг.



11-мактабга таълим ташкилотидан назоратни сақлаш учун ўрнатилган 25 та видеокамера тасвирларида кишининг аёли кунларида гоҳ болаларнинг ҳожатхона томон югураётганига, гоҳ тарбиячиларнинг болалар тувакларини кўтариб юрганига гувоҳ бўласиз. Тўғри топдингиз, ҳожатхона бинодан ташқарида. — Меъёр бўйича болалар ҳожат учун ташқарига чиқмасликлари керак, — дейди 11-МТТ ҳамшираси Рая Йўлдошева. — Совуқ кунлардаю мутлақо. Шунинг учун болалар тувақдан фойдаланишди. Ваҳоланки, тувақдан фойдаланиш ҳам мумкин эмас.

Ҳайриятки, боғчада табиий газ ва сув таъминоти ўз ўрнида. Нурафшон шаҳридаги 3-сектор худудида жойлашган 11-мактабга таъ-

лим ташкилотига Нурафшон шаҳар электр тармоқлари корхонаси ходимлари бирровга бўлсада, қадам боссалар зиён қилмасди. Йўқса, ёзги айвон тепа-сида иримига мудраб турган симёғоч кимнингдир бошини ёриши турган гап. Худо денг, электр идораси ходимлари келгунча бу симёғоч тура турсин... МТТ бош ошпази Саҳобат Уринбоева таом тайёрлайдиган ошхонага

киришининг ҳожати ҳам бўлмади. Ошхонанинг аҳоли тоmidан челақлаб ўтаётган чаккадан аён.

Авария ҳолатида дейиш мумкин бўлган мазкур мактабга таълим ташкилотининг бузилиши эҳтимолидан боғча опалар саросимада. Ҳақроств, Нурафшонда шунча боғчанинг бузилгани, шунча боланинг уй қарамоғида қолгани, шунча тарбиячиларнинг иш излаётгани етарли. 11-МТТ ортидаги кенг худудга бирор боғча қурилиб, сўнг салкам етмиш йиллик бинога қараб "уф" тортилса, ўзи ағанайди-қўяди.

Янгисини қурмай, эскисини бузма, деб доно халқ бекор айтмаган-да, ахир.

Кўклам келди. Сектор масъулларини, Нурафшон шаҳар мактабга таълим бўлими жамоасини лопақизгалдоқ сайлига тақлиф этамиз. Манзил ўша — Нурафшон шаҳри, «Чигирик» маҳалласи, «Тошкент йўли» кўчаси, 21-уй — 11-сонли давлат мактабга таълим ташкилоти. Худди мана шу боғчанинг томини тўлдириб, баҳор эпкиндида оҳишта тебранадиған лопақизгалдоқлар ҳадемай кўклам шабнамизга "кадаҳ тутуди".
Отабек ИСРОИЛОВ
Шаҳобиддин НУРИДДИНОВ
олган суратлар

Молия муассасаларида



Камолитдин АТАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Тошкент
вилояти Бош бошқармаси
бошлиғи

"Mobil banking"
хизмати"SMS banking"
хизмати"Internet
banking"
хизмати"Reception"
хизмати

Хизматлар лицензияланган

Тошкент вилоятида 2019 йилда тижорат банклари томонидан барча йўналишларга жами **7 триллион 412 миллиард сўм** миқдоридан кредит маблағлари йўналтирилди. **26 минг 497 та** тадбиркорлик субъектига эса **3 триллион 420 миллиард сўм** кредитлар ажратилди. Тижорат банклари филиалларининг кредит қўйилмалари қолдиғи эса йил бошига нисбатан **14 фоизга** ошиб, **13 триллион 556 миллиард сўм**ни ташкил этди.

Мижоз ишонччи ~

БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

"Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасидаги **15 минг 861 та** лойиҳага **427,9 миллиард сўм**, "Yoshlar – kelajagimiz" дастури асосида **123 миллиард сўм** миқдоридан имтиёзли кредитлар ажратилди. Энг асосийси, ушбу кредитлар ҳисобига фуқаролар иш билан таъминланди.



Маълумки, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси юртимиз тараққиёти, аҳоли фаровонлигини бутунлай янги босқичга олиб чиқишга қаратилган дастурий ҳужжат бўлиб, унда белгилаб берилган устувор йўналишлар, хусусан, иқтисодий ривожлантириш, эркинлаштириш ва тартибга солиш масалалари банк-молия тизими зиммасига ҳам жуда катта масъулият юклатди.

Шу асосда кейинги икки йил давомида миқозларга қулайлик яратиш ва молиявий хизматлар оммабўлигини ошириш борасида вилоятимизда бир қатор янгилликлар жорий этилди. Жумладан, аҳоли ва миқозларнинг тижорат банкларига эмин-эркин, яъни, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларсиз кириб-чиқиши таъминланди. Вилоятдаги мавжуд тижорат банклари филиалларида миқозларни кўтиб олиш ва маслаҳатлар бериш ташкил этилиб, бўлиналарда миқозлар билан бевосита ишловчи "ресепшн" фаолияти йўлга қўйилди.

Шунингдек, сўнги йилларда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги ва "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида"ги янги тахрирдаги Қонунларни амалиётга татбиқ этиш бўйича Марказий банкнинг вилоят Бош бошқармаси томонидан қўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, мазкур қонунларнинг моҳиятини тижорат банклари ходимларига, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига етказишнинг таъминлаш мақсадида Бош бошқарма мутасаддилари ҳудудларга чиқиб, мулоқот ва давра суҳбатлари ўтказишди. Суҳбатларда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш, тадбиркорлик билан шуғулланиши учун яратилган қулайликлар тушунтирилди. Шу мақсадда ташкил этилган "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш Давлат жамғармаси"нинг кафилиги ва компенсацияси орқали ўтган йил вилоятдаги мавжуд тижорат банклари томонидан жами 199 та лойиҳага 368,87 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Шундан 82 та лойиҳага 164,24 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилган бўлса, 117 та лойиҳага 204,63 миллиард сўм компенсация маблағлари тўлаб берилди.

Аҳолига имтиёзлар асосида ипотека ҳамда истеъмол кредитлари бериш тартиблари соддалаштирилди. Жисмоний шахсларга овердрафт, автокредит ва микроқарз каби молиявий хизматлар таклиф этиш қўламли сезиларли даражада кенгайтирилди. Масофадан туриб маълумот берадиган ва тўловларни амалга ошириш имконини яратувчи банкларнинг мобил иловалари ҳамда "Internet banking", "Mobil banking", "SMS-banking" каби хизматлардан фойдаланиш ҳам миқозларимиз ўртасида оммалашди. Фаолият олиб бораётган 14 та тижорат банки

ва уларнинг 77 та филиали миқозларга яратилган ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, аҳолининг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

Ўтган йилда банк инфратузилмасини янада кенгайтириш мақсадида аҳоли ва сайёҳлар гавжум ҳамда чекка ҳудудларда 10 та янги замонавий банк хизматлари фаолияти йўлга қўйилди. 2020 йил мобайнида эса 25 та янги, замонавий банк хизматлари очилиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, 21 та куну тун ишлайдиган автоматлаштирилган валюта айирбўлаш шахобчаси, хорижий валютани нақдлаштирувчи 2 та банкомат иш бошлади. Имконияти чекланган фуқароларнинг банк биноларига қийинчиликсиз киришлари учун ҳам қулай шароитлар яратилди.

Бундай тизимли ишлардан кўзланган мақсад, албатта, аввало – миқоз ишончини қозонишдир. Бу ишонч банклар томонидан ажратилаётган кредитлар ҳажмининг орттириши ҳам ўз аксини топаётти. Хусусан, ўтган йилга нисбатан кредитлар ҳажми 127 фоизга ошди. Уларни соҳалар бўйича таҳлил этсак, 718,1 миллиард сўм саноат, 648,3 миллиард сўм қишлоқ хўжалиғи, 544,2 миллиард сўм савдо,

этишга 31,8 миллион, хориждан насли чорва моллари олиб келиш ва гушт маҳсулотларини қайта ишлашни назарда tutuvchi 30 та лойиҳага 12,5 миллион, совутичли сиймилар ташкил этиш учун эса 5 та лойиҳага 3 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ ажратилди.

Юртимизда юз бераётган янгиланиш ва ўзгаришлар, барча тизимларни қамраб олаётган ислохотлар жараёнида аҳолининг иқтисодий муҳофазага муҳтож қатлами миқозларга қўллаб-қувватлаш банклар зиммасига ҳам жуда катта масъулият юклатмоқда. Ана шу талабдан келиб чиққан ҳолда ёш оилалар, эски уйларида яшовчи ёки уй-жой шартларини яхшилашга эҳтиёжманд фуқароларни имтиёзли кредитлар билан қўллаб-қувватлашга бирламчи эътибор қаратаёلمиз. Хусусан, банкларимиз томонидан иқтисодий дастурлар доирасидаги 232 та лойиҳага 1 триллион 496,6 миллиард сўм маблағ ажратилди. Аҳолининг арзон уй-жойлар харид қилиши учун 1 минг 965 нафар фуқарога 281,7 миллиард сўм ипотека кредитлари, кўп қар-

хонада Хитой давлати технологияси асосида мебель ишлаб чиқарилаётти.

Паркент тумани, "Шампань" маҳалласида истикрат қилувчи Зафар Худоберова паррандачилик билан шуғулланиш учун АТБ "Узсаноатқурилиш-банк"нинг Тошкент вилояти Амалиёт бўлими томонидан 74,2 миллиард сўм миқдоридан имтиёзли кредит берилган, ёш тадбиркор оила аъзоларини иш билан таъминлади. Бундан ташқари, 162 нафар фуқарога меҳмон уйлари ташкил этишга АТБ "Микрокредитбанк" филиаллари томонидан 4,2 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилган, 167 та янги иш ўрни яратилганини таъкидлаш жоиз.

"Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари доирасидаги 33 та лойиҳага банклар томонидан 7,9 миллиард сўм; шундан ҳаммомлар ва хизмат кўрсатиш мажмуаси ташкил қилишга қаратилган 13 та лойиҳага 4,9 миллиард сўм, минимаркетлар қуриш учун эса 20 та лойиҳага 3 миллиард сўм миқдоридан кредит ажратилди.

Муҳтасар айтганда, юртимизда амалга оширилаётган буғунги янгиланиш ва ўзгаришлар даврида, айниқса, миллий иқтисодий тизимни ривожлантиришда Банк-молия тизимининг алоҳида ўрни бор. Президентимиз Олий Мажлиса Мурожаатномасида "...Бу йил мева-сабзавотчилик, узумчилик, уруқчилик, чорвачилик, агро-логистикани ривожлантириш, сувни тежашдиган технологияларни кенг жорий этиш, илмий-тадқиқот ишлари, соҳа учун малакали кадрларни тайёрлашга 3 триллион сўм маблағ йўналтирамиз. Чорвачилик, қорақўлчилик, балчиқчилик, паррандачилик каби соҳаларда насличилик алоҳида эътибор қаратилиб, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари татбиқ этилади..." дея таъкидлаб, зиммамизга жуда катта масъулиятли вазифалар юклатилди.

Мазкур Мурожаатномадан банк тизими ходимлари ҳам тегишли ҳулоса чиқариб, келгуси вазифаларни белгилаб олди. Зеро, 2020 йилда аҳолига сифатли банк хизматлари кўрсатиш, иқтисодийнинг реал секторини қўллаб-қувватлашга қаратилган ишларни илчил давом эттириб, вилоятимизда юз бераётган tub ўзгаришларга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг қўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базиси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади.

Банк тизимида тадбиркорларни қўллаб-қувватлайдиган "лоийҳалар фабрикаси" фаолиятини йўлга қўйишимиз лозим.

Банкларимиз халқаро молия бозорларига чиқиб, арзон ва узоқ муددатли ресурслар олиб келиши зарур. Миллий банк ва Ипотека банк бу йил ўз евробондларини чиқариши мақсадида мувофиқдир.

Банк соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади – тижорат банкларини миқоз учун ишлага ўргатишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Олий Мажлиса Мурожаатномасидан

умумий овуқтаниш ва машина хизмат, 400,8 миллиард сўм қурилиш, 185,6 миллиард сўм транспорт ва алоқа сингари муҳим тармоқларни ривожлантириш учун йўналтирилди. 1 триллион 920 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эса жисмоний шахсларга таълим, ипотека ва бошқа истеъмол кредитлари шаклида берилди.

Сир эмаски, вилоятимизда етиштирилган мева ва сабзавотлар нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам ниҳоятда хариддорғир ҳисобланади. Шу боис, аграр секторни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун халқаро молия ташкилотларининг кредит маблағларини фаол жалб этиб, 63 та лойиҳага 47,5 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағ йўналтирдик. Жумладан, 28 та замонавий иссиқхона ташкил

ватли уй-жойларни жорий ва капитал таъмирлаш учун 107 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига 34,3 миллиард сўм миқдоридан кредит маблағлари берилди. Шунингдек, вилоятдаги кўп қаватли уйлarning 2 минг 283 та хонадонига икки контурли қозонлар ўрнатиш учун 21 миллиард сўм миқдоридан кредит ажратилди.

Банклар томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида ҳам сезиларли ишлар қилинмоқда. Хусусан, "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасидаги 15 минг 861 та лойиҳага 427,9 миллиард сўм, "Yoshlar – kelajagimiz" дастури асосида 123 миллиард сўм миқдоридан имтиёзли кредитлар ажратилди. Энг асосийси, ушбу кредитлар ҳисобига фуқаролар иш билан таъминланди.

Мисол келтирсак Зангиота туманидаги "Нор-муҳаммад ота" хусусий корхонасига "Yoshlar – kelajagimiz" дастури асосида АТ "Халқ банки"нинг туман филиали томонидан 1 миллиард сўм имтиёзли кредит берилган эди. Айни пайтда ушбу кор-

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги
офисимиз:
100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълолар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-65-59, (71) 233-54-10
Электрон почта: toshkenthqiqati@mail.uz // th-tp@inbox.ru

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририят компьютер
марказида терилди ва Тохир Махмуджўраев
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи муассасх
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Мансур ҲИММАТОВ